АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 21 МАЙ сешанба
№ 20 (276)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

Qonun va biz

## ИЖРО КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда демократик талабларга тўла жавоб бера оладиган суд тизими шаклланиб бормоқда. Айниқса, ўтган йили **"Суд ҳужжатлари ва бошқа идора ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши бу соҳага сезиларли таъсир қилганини алоҳида қайд қилиб ўтмоқ лозим. Чунки мазкур қонун қабул қилингунга қадар мамлакатимиз ҳудудида фаолият юритаётган суд ижрочилари учун фақатгина "Ижро юритиш қўлланмаси" деган дастур мавжуд эди, холос. У эса суд ижрочисининг иш юритиш услубини замонавий талаб даражасига кўтариш учун тўлиқ имкон яратиб бера олмасди. Мисол учун айтадиган бўлсак, янги қонун бўйича суд ижрочилари ўз ижро ҳаракатларини судлар фаолиятидан ажралган ҳолда мустақил тарзда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Сир эмаски, жамиятнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши барча соҳаларга фан ва техника ютуқларининг тобора кенг жалб қилишини тақозо этади. Айтиш жоизки, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Департаменти айни шу мақсадни кўзлаб ташкил этилди.

Маълумки, қабул қилинаётган барча қонун ва қонуности ҳужжатлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ишлаши, шу билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилиши назарда тутилган. Шу жумладан, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа идора ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун ҳам ўз мақсад-моҳиятига кўра фуқароларнинг суд томонидан белгилаб қўйилган барча ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши алоҳида диққатга сазовор. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар устидан суд ҳужжатлари ва қонунда белгиланган ваколатларни амалга оширилаётганда уларнинг зиммасидаги пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёки улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш, бундан ташқари, бундай ҳаракатлардан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган. Бу эса ўз навбатида бошқа органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

Қонунда Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларининг мажбурий ижроси суд ижрочилари томонидан амалга оширилишининг белгилаб қўйилиши муҳим аҳамиятга молик жараён бўлди. Диққатга сазовор томони шундаки, мазкур қонунда фақатгина Республика судлари ва бошқа органлар томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ижроси эмас, балки чет эл судлари ва арбитражлар қарорларини ижро этиш тартиб ва муддатлари ҳам белгилаб қўйилган. Бу эса ўз ўрнида қонуннинг нечоғлик юқори савияда ишлаб чиқилганидан далолатдир. Бундан ташқари, ушбу қонунда суд ижросининг мақоми, уларнинг ижтимоий ҳимояси, ҳуқуқи, мажбуриятлари, уларнинг мустақил равишда қарор қабул қилиши ҳам баён қилинган.Суд ижрочиларининг талабларини мамлакатимиз ҳудудидаги барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бажарилишининг мажбурийлиги, суд ижрочисининг талабларини бажармаслик, унинг зиммасига юкланган вазифаларни бажаришга монеълик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан суд қарорлари ва бошқа орган ҳужжатларининг ижроси тўлиқ таъминланишини кафолатлайди.

Хуллас, Департамент ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятининг натижаси кузатилган жиноий ишлар сонига қараб эмас, балки ундирилган зарар миқдорига қараб баҳоланиши ходимлар зиммасига фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларда қонунни бузганлик учун жазо муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш борасида бир қанча масъулиятли вазифаларни юклайди.

**Дилшод ЮСУПОВ,**
**ҳуқуқшунос**



Субҳидам таровати

## ШАРТНОМА ЁРДАМ БЕРДИ

Islohot dovonlari

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва берилаётган доимий эътиборнинг самараси ўлароқ фермерлик фаолияти жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгалламоқда. Фермерлар қанчалик кўп маҳсулот етиштирса, мамлакат шунчалик манфаатдор. Лекин баъзида соҳа меҳнаткашларининг йил бўйи пешона тери эвазига етиштирган маҳсулотини топшириш ёки унга ҳақ олиш масалаларида муаммолар туғилаётгани ҳам кузатиляпти.

Мисол учун айтсак, Жиззах вилояти "Отақул" фермер хўжалиги Пахтакор тумани пахта тозалаш заводига ўзаро тузилган шартнома асосида пахта топширган. Қонуний келишувга биноан завод йил якунига қадар фермер билан ҳисоб-китоб қилиши зарур эди. Лекин фермернинг меҳнат ҳақи тўлови вақтида амалга оширилмади. Натижада, маҳсулот топширувчи идорама-идора адолат излаб юришга мажбур бўлди.

— Фермернинг бу ҳолат юзасидан адлия идораларига ўз вақтида мурожаат қилганлиги сабабли муаммо ечимини топди,— деди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш. Саидов ЎзА мухбирига.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, томонлар ўртасида имзоланган шартноманинг тўғри тузилганлиги фермернинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда қўл келди. Шартномага кўра, фермерга ўз меҳнат ҳақидан ташқари, жавобгарнинг тўлови кечиктирганлиги сабабли, пеня ва жарималар ҳисобидан ярим миллион сўмга яқин қўшимча маблағ ундириб берилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**




*Президентимиз Ислом Каримов 17 май куни Оқсаройда Туркиянинг "Коч Холдинг" компанияси бош ижрочи директори Булент Ўзойдинлини қабул қилди.*

* * *

*Сурхондарё вилоятида йилнинг илк ҳосили — пилла топшириш йиллик шартнома режаси бажарилди.*

* * *

*Бухоро вилоят ҳокимлигида "Универсиада — 2002" мусобақаларини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

* * *

*Каттақўрғон шаҳрида Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси томонидан янги алоқа телефон станцияси қурилиб фойдаланишга топширилди.*

* * *

*Термизда Тадбиркорлар маркази фойдаланишга топширилди*

* * *

*Тошкент Давлат юридик институтида "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини ўрганишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

Diqqat, yangi rukn: Jamoatchilik nazorati

## ХОЛИС ФИКР — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Азиз газетхон!

Ўз мустақиллигини қўлга киритган мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамият барпо этиш йўлида дадил одимлар ташланмоқда. Истиқлол йилларида бу эзгу мақсадни рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Энг муҳими, ўтган давр ичида мамлакатимизда том маънода қонун ижодкорлигига асос солинди. Бунинг натижаси ўлароқ жаҳон андозаларига уйғун бўлган, миллий ўзлик, қадрият ва анъаналар асосида яратилган 300 дан зиёд қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар моҳият-эътиборига кўра халқ манфаати, эркин фикр ва фаолиятни ҳимоя қилиш баробарида эртанги ёруғ кунимизга мустаҳкам ҳуқуқий замин яратиши билан ҳам бекиёс аҳамиятга эга.

Албатта, қонун ҳақида гап борар экан, унинг қадр-қиммати ва кучи аввало, амалий ижроси билан ўлчаниши ҳеч кимга сир эмас. Чунки ҳар қандай қонуннинг нечоғлик долзарб ва мукаммал экани, унинг одамлар ҳаётига таъсири — бир сўз билан айтганда, жамият тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан белгиланади. Бундан ташқари, қонунларнинг амалий ижросини таъминлашда мутасадди идоралар билан бирга жамоатчилик назорати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Нега деганда, жойларда қонунларнинг амалий ижроси билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракат доимо жамоатчилик эътиборида бўлади.

Шундан келиб чиқиб, биз газетамиз саҳифасида янги "Жамоатчилик назорати" рукнини ташкил этдик. Бундан кўзланган мақсад — қонунларнинг амалий ижроси билан боғлиқ ютуқ ва муаммолар тўғрисида жамоатчилик фикрини билишдир. Қуйи берилаётган саволлар ана шу хусусиятларни ўзида акс эттирган.

***1. Сиз қонунларга фақат фаолиятингиз билан боғлиқ вазият юзага келганда мурожаат қиласизми ёки доимий равишда?***

***2. Тараққиёт, шубҳасиз, баъзи қонунларга ўзгартириш киритишни талаб қилади. Бу борада Сиз қандай таклифлар билдира оласиз?***

***3. Айрим қонунларнинг тўла амалий ижросига қандай иллатлар тўсиқ бўлаяпти, деб ўйлайсиз? Сизнингча, бундай иллатларни бартараф этиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?***

Ўйлаймизки, мазкур саволлар орқали қонунлар ижросидаги айрим камчилик ва нуқсонларни аниқлаш ҳамда мавжуд иллатларнинг олдини олиш имконияти пайдо бўлади. Шу боис Сизнинг бу борада холисона билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифларингиз амалий аҳамиятга эга. Демак, мактубларингизни кутиб қоламиз.

Xabar

## ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Мамлакатимиз бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидаги ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб, ривожланган давлатлардаги сингари демократик тамойилларга асосланган жамият барпо этиш йўлида илдам одимламоқда.

2002 йилнинг 27 январида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳам шу йўлдаги, яъни давлатчилигимиз асосларини янада мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини янада такомиллаштира боришга қарата ташланган муҳим қадамлардан бирherидир.

Демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш эса ўз-ўзидан бўлмайди, балки унга ўша давлатда яшаётган миллат, бутун бир халқ оммасига демократик тамойиллар моҳиятини тушунтириш, шунингдек, уларда сиёсий саводхонликни юксалтириш орқалигина амалга оширилади.

Ангрен шаҳрида Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан ташкил этилган илмий-амалий семинар ҳам айнан шу мавзуда бўлиб, унда референдум якунлари ва давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий тамойиллари хусусида сўз борди.

Семинарда сўзга чиққан сиёсий шарҳловчи Қ. Каримбеков референдум якунларига ва унинг жамиятимизни демократиялаштириш сари янги босқич бўлиб қолиши керак эканлиги тўғрисида тўхталган бўлса, ҳуқуқшунос М. Ғуломов ушбу референдум якунлари бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, шунингдек, ўтказилган бу муҳим сиёсий тадбирнинг мазмун-моҳиятини ҳар бир фуқаронинг онгига етказа билиш ўта долзарб вазифа эканлиги тўғрисида тўхталди. Шунингдек, семинарда сўзга чиққан Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари С. Олимов демократик жамиятни барпо этишда ҳуқуқий онг ва маънавият масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этиши тўғрисида гапириб ўтди.

**Обил САФАРОВ**

## "ИНСОН ва ҚОНУН"да

### ЧОП ЭТИЛМАДИ, АММО...

**Таҳририят Нишон туманидаги У. Юсупов номидаги ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган 78 ёшли Аҳмад бобо ва унинг ўғли Ойбек Эсоновлардан шикоят хати олган эди. Унда Аҳмад бобо шу хўжаликда 10 нафар фарзанд билан яшаб, ишлаб келаётгани, 2000 йил 10 августда хўжаликнинг 1-бўлимида ишлаб турган ўғли Ойбек Эсонов 25 гектар ерни ўн беш нафар оила аъзолари ишлайдиган фермер хўжалигига айлантириб беришни сўраб, хўжалик кенгашига ариза билан мурожаат қилгани, хўжалик кенгаши рози бўлиб, тегишли қарор чиқариб бергани, лекин туман ҳокимлиги бу қарорни тасдиқлаб, тегишли қарор чиқариб бермагани айтилган эди. Шунингдек, улар 2 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида турли-туман идоралар эшигига қатнаб сарсон-саргардон бўлгани, алал-оқибат Қашқадарё вилоят Адлия бошқармасига мурожаат қилгани, суд адолатни тиклаб, даъвони давогар — Ойбек Эсонов фойдасига ҳал қилиб берганини, бироқ ҳанузгача Нишон туман ҳокимлиги "Эсон бобо" фермер хўжалигига ер ажратиш ва уни ташкил этиш ҳақида қарор чиқармаётгани ҳақида куйиниб ёзган эди. Яқинда мухбиримиз шу масала юзасидан Нишон туманида бўлиб, туман ҳокими Равшан Хуррамов ва бошқа тегишли мутасадди раҳбарлар билан учрашди. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари У. Эрбоев берган маълумотга кўра, туман ҳокимининг 2002 йил 22 апрелдаги қарори билан Ойбек Эсоновга ўзи ижарачи бўлиб турган жами 29,61 гектар ер майдони ажратиб берилган ва фермер хўжалигининг Низоми Давлат рўйхатидан ўтказилган. Хўжалик раиси Ш. Узоқов Аҳмад бобо ва унинг фарзандлари далада меҳнат қилаётгани, фермер хўжалиги оёққа туриб олгунча қўллаб-қувватлаб туришини билдирган. Аҳмад бобо эса ҳар бир хатти-ҳаракатида фақат қонунларимизга таяниб иш кўргани, лекин сунъий тўсиқ ва ғовлар қаршисида анча-мунча қийналганини ва қонунга амал қилган ҳеч қачон ютқазмаслигини айтиб ўтган.**

To`rtinchi hokimiyat

## "СИЗЛАРГА ИШОНГАН ЭДИМ..."

Кейинги пайтларда таҳририятимизга келаётган мактублар орасида негадир такрорий шикоят хатлари тез-тез учраб турибди. Бу ҳолатнинг сабабини аниқлашга уриниб кўрдик. Ҳаракатларимиз зое кетмади. Шу йилнинг 8 январидан то 1 апрелига қадар газетамизда эълон қилинган мақолаларни таҳлил қилар эканмиз, ажабтовур вазиятга дуч келдик. 2001 йилда газетамиз саҳифаларини кўрган танқидий-таҳлилий мақолаларга мутасадди ташкилотлар томонидан тўлиқ жавоб келган. Лекин 2002 йилнинг январидан бошлаб чоп этилган танқидий чиқишларимизга берилаётган жавоблар сезиларли даражада камайиб кетган. Келинг, фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун аниқ мисолларга мурожаат этайлик.

Газетамизнинг шу йил 8 январ сонида Сурхондарё вилоят, Қумқўрғон туманидаги "Сурхон" фермерлар уюшмаси фермери Муҳаммади Шароповнинг таҳририятга йўллаган мактуби **"Шикоят ёзадилар"** сарлавҳаси остида чоп этилган эди. Ёдингизда бўлса, унда шундай сатрлар битилган эди: ***"Мен "Камаз-5320" русумли юк машинасини 16 йил бошқардим. "Сурхон" фермерлар уюшмаси раиси Х. Фармонов ишдан кетди-ю унинг ўрнига келган янги раис К. Ирмуродов (мен йўқ пайтимда) гаражда турган машинани божаси Махсум Тожибоевга 1997 йил 17 июлида 27 минг 681 сўмга нархлаб, сотиб юборди. "Агар машинани сотадиган бўлсаларинг, менга беринглар", дея туман ҳокимлигига мурожаат этдим. Натижа бўлмагач, вилоят раҳбарларига арз қилдим..."***

Ушбу мактубни газета саҳифаларида эълон қилганимизга ҳам тўрт ойдан ошди. Лекин нимагадир мактубга Қумқўрғон туманидаги мутасаддиларнинг назари тушмади, шекилли, таҳририятга икки энликкина жавоб хати ёзишмади.

Газетамизнинг ўша сонида **"Таҳрирсиз мактуб"** рукни остида Андижон вилоят, Шаҳрихон шаҳрида истиқомат қилувчи хусусий тадбиркор Тоҳиржон Рўзиевнинг шикояти **"Акциядорман, лекин... икки йилдирки, дивидент ололганим йўқ"** сарлавҳаси остида эълон қилинган эди. Ушбу мақолада хусусий тадбиркор "Шаҳрихон сут" ҳиссадорлик жамиятининг 5596 дона (20,4%) акцияларини республика фонд биржасидан сотиб олганлиги, лекин орадан икки йил ўтганига қарамай ҳали бирор сўм дивидент ололмаётганлиги, бу ҳақда судга мурожаат қилиб ҳам мақсадига эриша олмаётганлиги ҳақида ёзган эди. Мактуб сўнггида таҳририятдан шундай сўзлар битилган эди:

***"Кўриниб турибдики, ушбу низоли масала беш марта судда кўриб чиқилган бўлиб, уч марта тадбиркор Т. Рўзиев фойдасига, икки марта эса иккинчи томон фойдасига қарор чиқарилган. Лекин муаммо ҳали ечимини топганича йўқ. Мазкур иш кейинги босқич судларида кўриб чиқилиб, низоли масалага сўнгги нуқта қўйилади, деган фикрдамиз."***

Афсуски, ушбу **"Таҳрирсиз хат"**имиз ҳам негадир на "Шаҳрихон сут" ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари, на бошқа мутасадди идоралар вакилларининг эътиборини тортмади. Чунки, унга мунасабат билдирилган икки энлик жавоб хати олмадик.

Энди газетамизнинг 22 январ сонида **"Жамият, инсон, ҳуқуқ"** рукни остида берилган **"Ўн йиллик можаро"** сарлавҳали мақолага эътиборингиз қаратмоқчимиз. Мақола муаллифи, журналист Акбар Жонузоқов шундай ёзади:

***"Илҳом Турдиалиев ўн йил муқаддам Сирдарё ГРЭСида ўт ўчириш бўлимида радиотелефонистликдан бўшатилган эди. У ўзини ишдан ноқонуний бўшатилганлиги ҳақидаги даъво аризалари юзаки кўрилган, деб ҳисоблайди.***

***Ўша буйруққа ўн йил, уни тўғри деб топган суд қарори ва ажримига қарийб саккиз йил бўлибдики, И. Турдиалиев бу буйруқ ва суд ҳужжатларидан ҳамон норози.***

***Хўш, И. Турдиалиевнинг норози қилган сабаблар нима экан?..***

***...Биз фуқаролик жамиятини қураяпмиз. Фуқаронинг манфаати бугунги кунда ҳар нарсадан устун деб қаралмоқда. Фуқаро И. Турдиалиевнинг ўзига нисбатан ўн йил илгари адолатсизлик қилинган ҳисоблаб, бугун ҳуқуқини тиклаш умидида юрганлигини балки шу маънода тушунса бўлар. Адолатнинг тиклаш учун эса вақтнинг аҳамияти йўқ. Муҳими, адолатнинг қарор топиши."***

Буни қарангки, ушбу масалада ҳам адолат қарор топганлиги ёки топмаганлиги ҳақида бир энликкина жавоб хати олмадик. Шу ўринда бир гапни алоҳида таъкидлаб айтиш керакки, газетамизда эълон қилинган **"Таҳрирсиз хат"**лар ёки бирор инсон тақдири ҳақида фикр юритувчи мақолаларда мутлоқ ҳақиқатни ҳимоя қилганмиз, дейиш фикридан йироқмиз. Беайб парвардигор дейдилар. Қолаверса, халқимизда қочган ҳам худо дейди, қувган ҳам, деган нақл бор. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, балки шикоятчиларимизнинг орасида ноҳақдан арз-дод қилиб юрганлари ҳам бордир. Агар улар ноҳақ бўлса, биз иккинчи томоннинг фикрини ҳам газета саҳифаларида эълон қилишга тайёрмиз. Буни ҳар галги чиқишларимизда алоҳида таъкидлаб ўтишимиз ҳам шундан далолат.

Газетамизнинг 12 феврал сонида ҳам яна **"Таҳрирсиз мактуб"** рукни остида Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигининг Севаз қишлоғида истиқомат қилувчи Боқи Ҳақбердиевнинг **"Боғим қуриб кетадими?.."** сарлавҳали мактубини чоп этган эдик. Муаллиф ўз мактубида ширкат хўжалигидан 48 гектар ер олиб, олхўри кўчати экканлиги, лалми ер бўлганлиги учун боғни қўлда суғориб кўкартирганлиги, энди боғ ҳосилга кирган пайтда туман ҳокимлиги унинг йўлига сунъий тўсиқлар қўяётганлигини қаламга олган эди. Буни қарангки, Китоб тумани ҳокимлигидаги мутасадди раҳбарлар ҳам ушбу мактубни "кўрмай қолишди", шекилли, таҳририятга жавоб хати жўнатилмади. Газетамизнинг 5 март сонида эълон қилинган **"Ярим йўлда сарсон бўламизми?"** сарлавҳали мақола ҳам юқоридаги рукн остида берилган эди. Мактуб муаллифи Андижон вилояти, Жалолқудуқ туманидаги Т. Тошматов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Зоҳид Мадраҳимов паррандачилик бўйича тадбиркорлик билан шуғулланади. У 1995 йилда ўзига тегишли автоуловни сотиб, Шаҳрихон туманида минг дона ўрдак сотиб олган. Шу тариқа паррандачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил қилган. Лекин 7 йилдирки, унинг фермер хўжалигига қонуний ажратилиши керак бўлган ер майдонини ололмаяпти. Хўш, бунинг сабаби нима?

**(Давоми учинчи бетда)**

Ajab savdolar

# ПАХТАСИ ЁҚАДИ, АҚЧАСИ ЧАҚАДИМИ?

"Саид Амир" фермер хўжалигини ташкил этган Қўчқорбек Амиров пахта етиштиришнинг сермашаққат иш эканини биларди. Бироқ у меҳнатдан қочмасам, қийинчиликларни енгиб ўтсам, бас, ошиғим олчи бўлаверади, деб хом хаёл сурганини кейинроқ, яъни рўпарасида чигал муаммо ва тўсиқлар пайдо бўлгандан сўнг англади. Булардан энг ёмони — ҳамкорларнинг панд бериши, сарсон-саргардон қилиши, асабларини зир қақшатиши — рости гап, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Маълумки, ҳар бир етиштирилган маҳсулотни сотиш учун бозор керак.

Фермер хўжалиги пахтасини фақат пахта тозалаш корхоналарига сотиши мумкин. Шунинг учун 2000 йил 26 апрелда "Саид Амир" фермер хўжалиги ва «Бахт» пахта тозалаш акциядорлик жамияти ўртасида 94,5 тонна пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан 4 миллион 914 минг сўмлик 227-сонли, 2001 йил 22 апрел куни эса 87,5 тонна пахта хомашёси етказиб бериш юзасидан 6 миллион 825 минг сўмлик 247-сонли контрактация шартномаси тузилди. Шартноманинг 2,3-бандига асосан пахта тозалаш корхонасига янги ҳосил терими бошлангунга қадар фермер хўжалигига босқичма-босқич (шартномада кўрсатилган маблағ 50 фоиздан ошмаган ҳолда) бўнак маблағи ажратиши лозим эди. Аммо «Бахт» пахта тозалаш акциядорлик жамияти томонидан шартнома шартларининг бузилиши натижасида 2000 йил пахта ҳосили учун 149 минг 400 сўм, 2001 йил ҳосили учун 175 минг сўм бўнак пули ўтказиб берилган, холос.

Оқибатда фермер хўжалиги ночор аҳволга тушиб қолди. 35 гектар ер майдонида кузги агротехник тадбирлар, чигит қадаш учун ерларни тайёрлаш ва экин ишларининг кечикиши сабабли тупроқ нами қочиб, уруғ тўлиқ униб чиқмади. Бунинг устига ҳисоб рақамида пул маблағи бўлмаганлиги сабабли минерал ўғитлар, техника воситаларига ёнилғи мойлаш материалларини ўз вақтида ололмагани таъсир қилиб шартномада кўрсатилган миқдорда ҳосил етиштира олмади. Бу ҳақда фермер хўжалиги раҳбари Қўчқорбек Амиров шундай дейди:

— Икки йил давомида чигит экишдан бошлаб, пахта йиғим-теримига қадар бир оёғим далада бўлса, бир оёғим пахта тозалаш корхонаси остонасида бўлди. Корхона раҳбари ва бош ҳисобчисига ҳар гал мурожаат қилганимда, пул келган заҳоти ўтказиб берамиз, деган ваъдадан бошқа гап эшитмадим.

Мен бир нарсага ҳайронман. Давлатимиз фермер хўжаликларини ривожлантириш учун барча рағбатлантирувчи воситаларни ишга солмоқда. Аммо ишимизга сунъий тўсиқ қўяётган, қонуний бўнак пулимизни ўз вақтида ўтказиб бермаётган раҳбар ва мутахассисларнинг асл муддаолари нима экан? Уларга содда одамларни сарсон қилиш, алдаш, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтириш ҳуқуқини ҳеч ким бермаган-ку?! Эҳтимол, моддий зарарни қоплаш мумкиндир, аммо етказилган маънавий зарар, узилган асаб толаларини тиклаб бўлармикин?

"Чиллаки-чиллакини кўриб чумак уради" деганларидек, «Бахт» пахта тозалаш акциядорлик жамиятининг раҳбарлари шартнома шартларини бузиш, фермерни сарсон-саргардон қилишни касб қилиб олишганидан "далда" олган айрим мутахассислар хизмат вазифаларига масъулиятни бутунлай унутиб қўйгани кўзга ташланади. Бундай дейишимизга сабаб, туманда пахта йиғим-теримини ўтказишда сарфлашга мўлжалланган транш пуллари келиб тушади. Бироқ "Саид Амир" фермер хўжалигининг бошида яна таёқ синади.

Гап шундаки, корхонанинг "Малик" пахта қабул қилиш пункти ҳисобчиси М. Ҳайдаровнинг ҳафсаласизлиги, фермер хўжаликлари тақдирига лоқайдлиги туфайли "Малик" ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Саид Амир" фермер хўжалигининг пуллари "Синдоробод" жамоа хўжалигида жойлашган "Саид Амир" фермер хўжалиги ҳисоб рақамига ўтказиб юборилади.

Хуллас, икки ўт орасида қолган "Саид Амир" фермер хўжалиги раҳбари Қўчқорбек Амиров 2002 йилнинг 24 январида ўз манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари ушбу ишни ўрганиш жараёнида асаббузарлик, шартнома бўйича шерик хўжаликнинг манфаатлари илдизига болта уришнинг яна бир кўринишига дуч келишди. «Бахт» пахта тозалаш акционерлик жамияти раҳбарлари ўз айбларини ёпиш мақсадида "Ўзагросуғурта" Давлат акциядорлик компаниясининг вакили билан 2000 йил 27 июл куни "Саид Амир" фермер хўжалиги раҳбарини хабардор қилмасдан умумий экин майдони 100 фоиз қониқарсиз, деган хулоса тузишади ва 21-босқичдан кейин бўнак пули беришни тўхтатишни тавсия қилишади. Ваҳоланки, 21-босқичгача, яъни 2000 йилнинг июл ойига қадар "Саид Амир" фермер хўжалигига шартнома асосида берилиши лозим бўлган бўнак пули берилмаган. Юқоридаги хулосани тузишда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда хўжалик вакили қатнашмаган, бундан ташқари, уларнинг фикри инобатга олинмаган.

Бунинг устига 2001 йил ҳосили бўйича ҳам айнан юқоридаги каби "Саид Амир" фермер хўжалиги манфаатига зид хулоса тузилиб, бўнак пули берилмаган. Фермер эса ҳеч нарсадан бехабар ўз ёғига ўзи қоврилиб юраверган.

Вилоят Адлия бошқармаси "Саид Амир" фермер хўжалиги раҳбари Қ. Амировнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйиа судига тузилган контрактация шартномаси асосида тўланиши лозим бўлган маблағни тўламаганлик учун жарима, кечиктириб тўланган ҳар бир кун учун устама ҳамда етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Яқинда Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг ҳал қилув қарори эълон қилинди. Суд қарорига асосан жавобгар — «Бахт» пахта тозалаш акциядорлик жамиятидан "Саид Амир" фермер хўжалигига 1 миллион 721 минг 630 сўм бой берилган фойда, бундан ташқари корхона бош ҳисобчиси Светлана Гезикдан манфаатдор шахс — Қўчқорбек Амиров фойдасига етказилган моддий ва маънавий зарар ундириладиган бўлди. Суд жараёнида давлат божлари ҳам жавобгардан ундирилиши кўрсатиб ўтилди.

Қиссадан ҳисса шуки, мақсадимиз кимнингдир камчилигини кўпиртириб кўрсатиш эмас, аксинча тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган бир ҳолатни кўпчиликнинг ҳукмига ҳавола қилишдир. Камчиликни бўйнига олиш ҳам марднинг иши. Ўйлаймизки, «Бахт» пахта тозалаш акциядорлик жамияти жамоаси, қолаверса, бошқа турдош корхоналар ҳам ўз ҳамкорлари билан шартнома шартлари асосида ишлаш бурчлари экани ҳақида яна бир бор ўйлаб кўрадилар. Ҳақиқатга тик қарайлик, зеро, пахтаси ёқиб, ақчаси чақмасин.

**Мардали МАҲМУДОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Тоғаймурод ОРТИҚОВ,**
**журналист**

Qing`irlikning qiyig`i

# ҲОТАМТОЙЛИК

## У УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИК ҲИСОБИГА БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февралда бўлиб ўтган мажлиси 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланганди. Мажлисда ер, сув, газ ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама этилган эди. Жумладан, мажлисда мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов бу хусусда сўз юритиб, республика бўйича ўтказилган текширишлар натижасида жами 12 мингдан ортиқ иссиқхоналарнинг қонунга хилоф равишда газ билан таъминланганлиги аниқланганини таъкидлаб ўтган эди.

Дарвоқе, серқуёш диёримизнинг ери, ер ости бойликлари, суви, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий заҳиралари бизга Аллоҳ томонидан инъом этилган бебаҳо хазинадир. Ундан тежаб-тергаб фойдаланишимиз, уни келгуси авлодларга ҳам етказишимиз лозим. Бу биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бош Қомусимизнинг 55-моддасида ҳам ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойлик эканлиги қайд этилган. Улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги кўрсатилиб, давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Демак, аҳоли турмуш фаровонлиги манбаи, мамлакат иқтисодий таянчларидан бири бўлган табиий газ ҳам умуммиллий бойлик эканидан ҳеч ким кўз юмолмайди. Ундан қонунсиз фойдаланишга ҳеч кимга ҳеч қандай имтиёз ёхуд ҳуқуқ берилмаган. Табиий газдан ҳар қандай шароитда рухсатсиз фойдаланиш жиноят саналади.

Мисолларга эътибор қаратамиз. Тадбиркорлик билан шуғулланган яхши. Бу билан ҳам атрофингдагиларга, жамиятга наф келтирасан, ҳам рўзғорнинг моддий аҳволини яхшилаб оласан. Каттақўрғоннинг Ойжон қишлоғилик Назира Йўлдошева қарилик нафақасига чиққанидан сўнг тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида 12-ўрта мактабга тегишли ер майдонидан 9 сотихини ижарага олади ва фарзандлари билан бодринг экишга мўлжаллаб иссиқхона қуради. 2001 йилнинг 10 ноябр куни "Пайшанбагаз" корхонасининг газ сарфини ҳисоблаш бўлими нозир-чилангари Собир Абдужалилов назорат тартибида текшириш ўтказганда, фуқаро Н. Йўлдошева ижарага олган ер майдонида иссиқхона қуриб, унга шу яқиндан ўтган ўрта босимдаги табиий газ қувуридан рухсатсиз газ улаётганини аниқлайди ва тадбиркорни огоҳлантиради. Бироқ Н. Йўлдошева мутахассиснинг огоҳлантиришидан тегишли хулоса чиқармайди. У ўзбошимчалик билан газ улаб олиб, қўлбола ускуналар орқали иссиқхонани исита бошлайди. Оқибатда С. Абдужалилов иссиқхонага бориб, газ уланган жойдаги қувурни кесиб олиб, далолатнома тузади. Н. Йўлдошева эса газни яна ноқонуний тарзда улаб олади. Хуллас, назоратчи-чилангар газ тармоғини кесиш, Н. Йўлдошева эса уни улаш билан овора бўладилар.

Бу билан фуқаро Назира Йўлдошева 2001 йилнинг 1 декабридан 2002 йилнинг 28 январига қадар табиий газдан қонун ҳужжатларига зид ҳолда фойдаланиб, давлатга 420 минг 936 сўмлик моддий зарар етказган. Бу битта 9 сотихли иссиқхонага табиий газни ўзбошимчалик билан улаш оқибатида давлатга етказилган моддий зарар. Агар ана шундай иссиқхоналарнинг ўнтаси, юзтаси, мингтаси, ўн мингтасига кетган газ сарфи ҳисоблаб кўрилса-чи?

Мактаб директори Шокир Одиловнинг судда берган кўргазмасига кўра, мактабнинг 9 сотих томорқаси Н. Йўлдошевага 2001 йилнинг 5 январида тузилган шартномага асосан берилган. Шунингдек, тадбиркор ердан олган даромади ҳисобидан мактаб биносини газлаштириб берганини айтган. Тўғри, мактаб, мактабгача тарбия муассасаларига ёрдам кўрсатиш савоб иш. Бироқ, хайрли иш қиламан деб билиб-билмай давлатга зарар келтиришга қонун йўл қўймаслигини Н. Йўлдошева билмасмиди?

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман суди судланувчи Назира Йўлдошевага жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, яъни унинг қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят эканини, муқаддам судланмагани, нафақахўрлиги, етказилган моддий зарарни ихтиёрий равишда бартараф этгани, айбига иқрорлиги ҳамда чин кўнгилдан пушаймонлигини ҳисобга олди. Унга Жиноят Кодексининг 229-моддасига кўра жазо тайинлади.

Ҳа, Н. Йўлдошеванинг иши, тутган тутими бошқаларга ибрат бўлиши лозим. Зеро, ҳар қанча хайрли иш қилмайлик, барибир қонундан четга чиқишга ҳаққимиз йўқ. Бир сўз билан айтганда, ҳотамтойлик умуммиллий бойлик ҳисобига бўлмаслиги даркор.

**Абулқосим ХАЛИЛОВ,**
**ҳуқуқшунос,**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**



*Бухоро: Арк*

Saboq

# ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР...

Одатда, бирон-бир илғор хўжаликнинг фаолияти ҳақида гап кетганда, шундай табиий савол ўртага ташланади:

— Хўш, бунинг сири нимада?

— Албатта, — деб жавоб беришади ўз навбатида хўжаликнинг катта-кичик раҳбарлари, — деҳқончиликда янгиликни жорий этиш, ишни оила пудрати асосида ташкил этганимиз ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда.

Кейин улар илғор пудратчиларнинг номларини бирма-бир санашга ўтадилар.

Албатта, илғорларнинг номларини санаш нечоғлик завқли бўлса, улар ҳақида тинглаш ҳам шунчалик ҳузур бағишлайди кишига. Бироқ бугунги куннинг талаби ўзгача! Ҳар қандай мақтов қуруқ ҳамду санолардан иборат бўлиб қолмаслиги керак.

— Бугун айрим туман хўжаликларида давр руҳини сезмаётган раҳбар — мутахассислар ҳам учраб туриши ҳеч кимга сир эмас, — дейди Наманган вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жалолиддин Эргашев. — Яқинда бошқармамизнинг бир гуруҳ ходимлари Уйчи тумани "Ғайрат" ширкат хўжалигида ички хўжалик шартномалари ижроси билан танишиб чиқишди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаслик ҳолатлари аниқланди. Аксарият пудратчилар режадан ортиқ ҳосил етиштиришган. Бироқ уларнинг моддий манфаатдорлиги тўла қаноатлантирилмаган.

Масалан, оилавий пудрат бошлиғи Акрамали Имомов "Ғайрат" ширкат хўжалиги билан 2000 йилнинг 14 сентябрь куни 2001 йилда буғдой етиштириш учун 74-сонли ички хўжалик шартномасига имзо чекади. Шартноманинг 3-бандида "шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ етиштирилган маҳсулотнинг 100 фоизини натура ҳолда пудратчи олади", деб қайд этилган. Лекин хўжалик раҳбарлари оилавий пудратчига бор-йўғи 1000 килограмм буғдой беради, холос. Шу билан туя кўрдингми, йўқ, дейишади. Хўжалик бош ҳисобчи ва иқтисодчиси пудратчига тегишли бўлган 6800 килограмм буғдойнинг ҳар бир килограммига 80 сўмдан нарх белгилайди. Сўнг "хўжалик сиздан 544 минг сўм қарздор", деб ҳужжатларга тиркаб қўйишади. Шунисига шукр, ҳарқалай улар инсофни бутунлай йўқотишмабди, нархи арзон бўлса-да, барибир пудратчига ҳақ беришибди-ку, деб ўйлаган чиқарсиз?! Қани энди шундай бўлса?! Афсуски хўжалик раҳбарлари қарзни узишга келганда «қийналишади»...

Бундан ташқари, бугунги кунда ҳар бир килограмм буғдойнинг ўртача бозор нархи 175 сўмни ташкил этади. Агар пудратчи режадан ортиқ етиштирилган ҳосилнинг 100 фоизини натура ҳолда олганида, 6800 килограмм буғдойнинг умумий қиймати 1.190.000 сўмни ташкил этарди.

Иккинчи томондан, амалдаги қонунларимизда ҳам бу ҳол ўзининг аниқ ифодасини топган. Жумладан, Фуқаролик Кодексининг 324,985-моддалари, Фуқаролик процессуал Кодексининг 48-моддаси, **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 24,35-моддалари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-сонли қарори 7-қисми 5-бандига асосан "Ғайрат" ширкат хўжалигидан оилавий пудратчи А. Имомовнинг фойдасига режадан ортиқча топширилган буғдой учун умумий қиймати 1.190.000 сўм ундириш лозим.

Аммо ширкат хўжалиги раҳбарлари пудратчиларнинг ана шу қонуний ҳақини беришни исташмади. Шунинг учун бу иш судда кўриб чиқилди. Учқўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига пудратчиларнинг манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризаси кўриб чиқилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра буғдойчилик соҳасида меҳнат қилган 7 оилавий пудратчига "Ғайрат" ширкат хўжалиги 3.298.750 сўмни тўлайдиган бўлди.

Дарвоқе, бугунги куннинг талаби шундай: меҳнат қилган киши унинг роҳатини ҳам кўриши керак. "Ғайрат" ширкат хўжалигининг раҳбарлари эса буни ўз вақтида англаб етмаган кўринади...

**Маъмур МУСУРМОН,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Huquqiy savodxonlik sari

# ИШЛОВЧИ НАФАҚАХЎРЛАРГА НАФАҚА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

## СИЗ У ҲАҚДА НИМАЛАР БИЛАСИЗ?

Мамлакатимиз Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги "Ишловчи нафақахўрларга тўланадиган нафақалар ҳақида"ги Фармонига асосан Ижтимоий-таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги ижтимоий муҳофаза жамғармаси, Ички Ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 1995 йил 19 декабрда "Ишловчи нафақахўрларга нафақа тўлаш тартиби" тасдиқланиб, 1996 йил 1 январдан амал қилиб келинмоқда.

Унга кўра мамлакатимиз ҳудудида ишловчи нафақахўрларга нафақа қуйидаги миқдорда тўланади:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига (уларга тенглаштирилган шахсларга), иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт орқасида ишлаган ёки ҳарбий хизмат мажбуриятини ўтаган шахсларга, 1 ва 2-гуруҳ ногиронларига, шунингдек, Чернобель фожеаси оқибатида зарар кўрган шахсларга 100 фоиз;

2. Бошқа барча нафақахўрларга — уларга белгиланган нафақанинг 50 фоизи миқдорида нафақа тўланади.

Ижтимоий таъминот идоралари рўйхатига олинган ва корхона, муассаса, ташкилотларда (жумладан, диний ташкилотларда) ишлаётганларга идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидан қатъи назар нафақалар шу жойдан тўланади. Ўриндошлик асосида ишлаётган нафақахўрларга нафақа асосий иш жойидан тўланади.

Нафақахўрнинг яшаш жойи бўйича ижтимоий таъминот идоралари томонидан берилувчи Ф-25 топшириқнома иш жойи бўйича нафақа тўлаш учун асос бўлади. Нафақа миқдори унинг қайта ҳисобланиши туфайли ўзгарадиган бўлса, ижтимоий-таъминот бўлими топшириқноманинг орқа томонига нафақанинг янги миқдори ҳақида белги қўяди.

Нафақахўр ишдан бўшаганида корхона ёки муассаса нафақа тўлашни тўхтатади ва ижтимоий таъминот идорасига нафақа қайси муддатгача тўланганлиги кўрсатилиши билан топшириқномага билдирув юборади. Нафақахўр яна ишга кирганда янги топшириқнома берилади.

Нафақахўрга иш куни тўла ёки тўла бўлмаганидан қатъи назар 50 фоиз миқдоридаги нафақа тўланади.

Календар йили давомида 2 ойгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси бўйича вақтинчалик ишлаб турувчи нафақахўрларга уларнинг яшаш жойлари бўйича тўла миқдорда нафақа тўланади. Бунда нафақахўр бу ойларда сурункасига ёки узилиш билан ишлаганининг аҳамияти йўқ.

Меҳнат шартномаси муддати узайтирилганда ёки нафақахўр амалда 2 ойдан кўп ишлаганда нафақа умумий қоидаларга кўра тўланади.

Айтиш жоизки, нафақадан солиқ олинмайди. Ишловчи пенсионерга ўз вақтида ва тўғри нафақа тўлаш, шунингдек, нафақахўрнинг ишдан бўшаши ёки ишга қабул қилиниши тўғрисидаги маълумотлар ҳаққоний ва ўз вақтида ижтимоий-таъминот идораларига тақдим этилишига қонунчилик томонидан ўрнатилган тартибга кўра, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбари жавобгар саналади.

Adliya tizimi

# САМАРҚАНД

**Ўтган апрел ойида вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига олтита даъво аризаси киритди. Даъво аризаларининг биттаси фермер хўжалигига ноқонуний равишда берилмасдан келинаётган ер майдонини олиб бериш ҳақида бўлса, бештаси шартномага асосан топширилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақини ундиришга қаратилган. Хўжалик судига киритилган ана шу даъво аризалар туфайли жавобгарлардан 20 миллион 679 минг 600 сўм асосий қарз ва 8 миллион сўмдан устама ҳақ суд тартибида ундириладиган бўлди.**

* * *

**Жомбой туманидаги "Жомбой" ширкат хўжалиги раҳбар ва мутасаддилари аксарият оила пудратчиларига 2001 йил ва жорий йилнинг биринчи чорагида меҳнат ҳақларини тўламаган. Адлия бошқармаси Жомбой туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига оила пудратчилари манфаатларини кўзлаб 4 миллион 495 минг 536 сўм меҳнат ҳақини ундириш юзасидан 108 та даъво аризаси киритди.**

**Амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, қонун бузилишларининг олдини олиш ҳуқуқий демократик давлатда қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири саналади. Ўтган бир ойда адлия бошқармаси туман ҳокимликлари, корхона, ташкилот ва банк муассасалари раҳбарлари номига 23 та тақдимнома ва 7 та ёзма огоҳлантириш киритди. Айни пайтда ушбу ҳужжатлар ижро назоратида турибди.**

Bugunning gapi

# КРЕДИТ ОЛИШ ОСОНМИ? УНИ ҚАЙТАРИШ-ЧИ?

Самандар Нормуродов, Шариф Эшқувватовлар Хатирчи, Каримжон Расулов эса Нурота туманида истиқомат қилади. Лекин тақдирнинг йўриғини қарангки, уччовлон кўча-кўйда ёки айтайлик, чойхонада эмас, балки судда танишиб қолишди. Шунда улар тақдирлари туташиб кетганини ҳис қилишди.

Гап шундаки, Каримжон Расулов 1996 йил Нурота туманида "Оқтов" деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этди-ю, аммо чорвачиликни ривожлантириш, қўй-эчкиларни кўпайтириш муаммо бўлиб қолди. Сабаб, маблағ йўқ эди. Шунда унга дўстларидан бири маслаҳат солди:

— Каримжон, худога шукр, банк бор. Кредит олинг-қўйинг. Қарабсизки, бир пасда пичоғингиз мой устида бўлади.

— Мен ҳам шундай қилсаммикан, деб ўйлаётган эдим, — дея кўнглини ёрди Каримжон.

— Кўп ўйламанг, яхшиси, таваккал қилинг. Чунки ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди, деган мақол бор. Тўғрими?

— Тўғри, шундай қилганим бўлсин!

Бу воқеага ҳам 6 йилча бўлиб қолди. Ўшанда масала банкдан эмас, балки «Бизнес фонд»да ҳал бўлди. Аниқроғи, 1996 йилнинг 17 июн куни Навоий вилоят "Бизнес фонд" бошқармаси билан "Оқтов" деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари Каримжон Расулов ўртасида 1 миллион 29 минг 941 сўмлик имтиёзли кредит шартномасига имзо чекилди. Буни қарангки, ўттиз фоизли шарт билан 4 йилга мўлжаллаб олинган кредит муддати ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Лекин "Оқтов" деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи К. Расуловнинг мияси ишлаб қолди. У "Мадад" суғурта агентлиги билан шартнома тузди. Агар хўжалик кредитни тўлай олмаса, "Мадад" фермернинг қарзини тўлашлигини айтишди. Ўртада қонуний ҳужжатлар тўлдирилди. Фермер унинг ҳисобига 133 минг 441 сўм суғурта маблағини расмийлаштирди. Фермер хўжалигининг кейинги уч йиллик фаолияти бўйича мониторинг ўтказилганда, кредит маблағлари мақсадли ишлатилгани ва кредитни қайтариш имконияти мавжудлиги аниқланган. Шу давр ичида Каримжон кредитдан 109 минг 850 сўм, фоиздан 1,2 миллион сўм қайтарган.

Фермер хўжалик раҳбарининг айби билан кредит маблағи ўз вақтида қайтарилмаган. Натижада вилоят "Бизнес фонд" бошқармаси фермердан қолган қарзини ундириш учун вилоят хўжалик судига мурожаат қилди. Хўжалик суди судьяси Гулшойим Норқобилова, вилоят прокуратураси вакили ҳамда даъвогар ва жавобгарлар иштирокида масала кўриб чиқилди. К. Расулов 920 минг 50 сўмлик кредит қарзи ва 81 минг 410 сўмлик фоизи борлигини тан олди ва молиявий аҳволи оғирлиги сабабли 414 минг 41 сўм жарима тўлашдан озод этишни сўради.

Суд иш материаллари, даъвогар ва жавобгарларнинг тушунтиришлари ҳамда прокурор ёрдамчисининг хулосасини эшитиб, унинг талабини қисман қаноатлантиришни лозим топди. Суд кредитдан тўланмай қолган қарзни "Оқтов" фермер хўжалиги раҳбари Каримжон Расуловдан ундириш ҳақида қарор чиқарди.

Суғурта шартномасининг 4.4-бандида "суғурталовчининг кредит шартномадаги мажбуриятларини бажариш учун суғурталанувчи кредит шартномаси тугагандан кейин 3 банк кун давомида ёзма ариза бериши ва фойдаланувчининг вакили ҳамда суғурталовчи билан бирга кредитни қайтара олмагани ҳақидаги далолатномани тузишда иштирок этишга мажбурдир", деб кўрсатилган. Судда шартнома шартларини бажариш ва ўзининг манфаат ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жавобгар ўз вақтида ёзма ариза билан суғурталовчига мурожаат қилмагани маълум бўлди. Шу билан бирга кредитни қайтара олмаслиги ҳақидаги уч томонлама далолатнома ҳам тузилмаган. Бундай ҳолатда суд қўшимча жавобгар — "Мадад" суғурта агентлигини жавобгарликдан озод этди ва даъвогарнинг жавобгардан 810 минг 907 сўм ундириб бериш ҳақидаги талабини рад этишни лозим топди. Шундай қилиб ўйнаб-кулиб олинган кредит, охири суд аралашуви, кўнгил хиралик билан якун топди.

Хатирчи туманидаги "Шарифбобо" деҳқон-фермер хўжалиги раиси Шариф бобо Эшқувватовнинг тақдири ҳам ҳамкасбиникига ўхшаб кетади. У ҳам 1996 йил 5 июн куни вилоят "Бизнес фонд" бошқармасидан 684 минг 872 сўм имтиёзли кредит олди. Келишувга кўра, 4 йил мобайнида кредит қарзи узилиши керак эди. Фермер "Мадад" суғурта агентлиги билан 1996 йил 11 июн куни 89-сонли суғурта полиси тузади. Агар фермер қарзини тўлай олмаган тақдирда, "Мадад" жавобгарликни ўз зиммасига олиб, ҳисоб рақамига 84 минг 872 сўм суғурта маблағини кўчиртирди. Бироқ ўтган тўрт йилда Шариф бобо кредит қарзини қайтармаган. Фақат кредит фоизидан 53 минг 542 сўм қайтарган, холос.

Шу боис вилоят "Бизнес фонд" бошқармаси "Шарифбобо" деҳқон-фермер хўжалигини вилоят хўжалик судига берди. Ундан 684 минг 872 сўм кредит, 872 минг 730 сўм устама фоизи ва 308 минг 192 сўм жарима ундиришни сўради. Судда Шариф бобо Эшқувватов сўз олиб, оғир аҳволга тушиб қолганлигини баён қилди. Айниқса, кредит олган 1996-1998 йилларда озуқа етишмаслиги сабабли фермер хўжалиги ҳисобидаги 26 бош қорамол ҳар хил касалликларга чалиниб нобуд бўлгани тўғрисида Ш. Рашидов номидаги ширкат хўжалиги участка ветеринария врачи томонидан берилган маълумотнома ва ушбу моллар нобуд бўлганлиги ҳақида далолатномалар мавжудлигини айтди.

Суд юқоридаги ҳолатларни ва деҳқон-фермер хўжалигининг ҳозирги молиявий аҳволини инобатга олиб, ундан "Бизнес фонд" фойдасига 260 минг сўм кредит қарзи, 872 минг 730 сўм кредит фоизи, жами 1 млн. 133 минг 519 сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. "Мадад" суғурта агентлиги эса "Бизнес фонд" га 424 минг 83 сўм тўлайдиган бўлди.

Шу тумандаги "Искандарбобо" фермер хўжалиги раиси Самандар Нормуродов ҳам кредитини тўлай олмасдан судма-суд юрибди. Фермер 1997 йил 14 октябрда вилоят "Бизнес фонд" бошқармаси билан шартнома тузиб, 501 минг 266 сўм имтиёзли кредит олган. Чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 35 фоизлик шарт билан 36 ой давомида кредитни тўлашга келишиб олишди. Самандар Нормуродов ўша пулга 40 бош қорамол, 10 тонна омухта ем харид қилган.

Шартномада қайд этилганидек, жавобгар йиллик 35 фоиз устама тўлаши ва кредитни 2000 йил 25 сентябрга қадар тўлиқ қайтариш лозим эди.

Аммо С. Нормуродов шартнома қоидасини бузди. Кредит пулини ўз вақтида тўламади. Вилоят хўжалик суди судьяси Гулшойим Норқобилова ишни холисона баҳолади. "Искандарбобо" фермер хўжалигидан 501 минг 266 сўм кредит, 472 минг 536 сўм устама фоиз ва 50 минг сўм устама ҳақи ундиришни лозим топди.

Мана, номлари тилга олинган уч нафар фермер кредитни олишга олган-у, аммо уни қайтаришни унутиб қўйишган. Лекин пул олувчи олмоқнинг бермоғи ҳам борлигини унутмаслиги керак-да.

Дарвоқе, Юртбошимиз тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларга банк хизматларини кўрсатишнинг самарадорлигини янада ошириш, молиявий ресурсларни тежаш ва кредитлаштириш жараёнини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаяпти. Шундай экан, ҳар бир тадбиркор кредит олишдан илгари уни қайтариш чора-тадбирини белгилаб олиши лозим. Ана шунда банк билан мижоз ўртасида ҳеч қандай можаро келиб чиқмайди.

**Ёрқул УМАРОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

